

Тазкия дарслари (61-дарс). Эй нафс — Роббингга рози бўлган ҳолда қайт



16:30 / 07.12.2019 6237

Қуръони Каримда зикр қилинган нафс ҳолатга қараб турли сифатларга эга бўлади.

1. Гоҳида «хотиржам нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Фажр сурасида марҳамат қилади:

﴿جَنِّي وَأَدْخِلْنِي﴾ ﴿٢٧﴾ ﴿عِنْدِي فِي فَاذْخُلِي﴾ ﴿٢٨﴾ ﴿مَرْضِيَّةً رَاضِيَةً رَبِّكَ إِلَىٰ أَرْجِي﴾ ﴿٢٩﴾ ﴿الْمَطْمَئِنَّةِ النَّفْسُ بِكَائِنَهَا﴾

«Эй хотиржам нафс! Роббингга сен Ундан, У сендан рози бўлган ҳолда қайт! Бас, бандаларим ичига киргин! Ва жаннатимга киргин!» (27-30-оятлар).

Бундай нафс шахватлар ила курашда ғолиб бўлиб, сокинлик касб қилган нафсдир. Шунинг учун у «мутмаъинна» – «хотиржам нафс» деб аталади.

2. Гоҳида «маломатчи нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Қийама марҳамат қилади:

﴿الْوَامِنَاتُ لِنَفْسِ أَقْسَمٍ وَلَا﴾

«Ва маломатчи нафс билан қасам» (2-оят).

«Маломатчи нафс»дан мурод тақводор мўмин кишининг нафсидир. Чунки у ўз эгасини доимо маломат қилиб (тергаб) туради. Гуноҳ иш қилса, «Нима учун гуноҳ қилдинг? Аллоҳдан кўрқмайсанми? Охиратда нима деб жавоб берасан?» деб маломат қилади. Савоб иш қилса, «Бу оз-ку, кўпроқ қилсанг бўлмайдими? Қанча кўп савоб иш қилсанг, ўзингга фойда-ку», деб маломат қилади.

Тасаввуф мактабининг машҳур намоияндаси Ҳасан Басрий: «Яхши одам доимо ўз нафсини маломат қилиб туради, фожир одам нафсини итоб қилмай юраверади», деганлар.

3. Гоҳида «ан-нафсул амморатул биссуъи» – «ёмонликка амр қилувчи нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Юсуф сурасида марҳамат қилади:

﴿رَجِمَ عُقُورَ رَبِّيَ إِنَّ رَبِّيَ رَجِمَ مَا إِلَّا بِالسُّوءِ لِأَمَارَةِ النَّفْسِ إِنَّ نَفْسِي أُتْرِي وَمَا﴾

«Ўзимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Роббим ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (53-оят).

Демак, нафс турли ҳолатларда бўлиб туради. Унинг хотиржам, маломатчи ва ёмонликка буюрувчи ҳолати бор. Гуноҳ, нифоқ, кибр, васваса, ёлғон, ҳасад каби ёмонликлар туфайли нафс кирланади ва нуқсонга учрайди. Уни доимий равишда поклаб, ўстириб, яъни тарбиялаб туришга эҳтиёж бор.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, нафсни поклаш араб тилида «тазкиятун-нафс» деб аталади.

«Тазкия» сўзи луғатда **поклаш** деган маъно билан бирга, **ўсиш** маъносини ҳам англатади. Бундан «тазкийтун нафс»нинг маъноси нафсни поклаш ва ўстириш, яъни тарбиялаш экани англанади.

Руҳий тарбия устозларининг таърифига кўра, «тазкийтун-нафс» нафснинг турли дард ва офатлардан покланиши, унинг олий мақомларга эришиши ва гўзал сифатлар ила зийнатланишидир.

Нафсни поклашнинг шаръий воситалари, моҳияти ва самаралари бор.

Аллоҳ таоло пайғамбарларига юклаган муҳим вазифалардан бири нафсни поклашдан иборат бўлган. Пайғамбарлар отаси бўлмиш Иброҳим алайҳиссаломнинг машҳур дуоларида ҳам бу ҳақиқат ўз аксини топган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

﴿الْحَكِيمُ الْعَزِيزُ أَنْتَ إِنَّكَ وَزَكَّيْتَهُمُ وَالْحِكْمَةَ الْكِتَابَ وَعَلَّمْتَهُمْ آيَاتِكَ عَلَيْهِمُ يَتْلُوا مِنْهُمْ رَسُولًا فِيهِمْ وَأَبْعَثَ رَبَّنَا

«Роббимиз, уларнинг ичига ўзларидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, уларга Китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Расул юбор. Албатта, Сен Ўзинг ўта иззатлисан, ўта ҳикматлисан» (129-оят).

Демак, «тазкийтун-нафс» Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бажаришлари лозим бўлган тўрт муҳим нарса – оятларни уммийларга тиловат қилиб бериш, уларга китобни таълим бериш, ҳикматни ўргатиш ва уларни поклашдан иборат бўлган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

﴿تَعْلَمُونَ تَكُونُوا لَمْ مَّا وَعَلَّمْتُمْ وَالْحِكْمَةَ الْكِتَابَ وَعَلَّمْتُمْ وَزَكَّيْتُمْ ءَايَاتِنَا عَلَيْكُمْ يَتْلُوا مِنْكُمْ رَسُولًا فِيكُمْ أَرْسَلْنَا كَمَا

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (151-оят).

Ушбу оятда олти муҳим нарса кетма-кет айтилиб, учинчи ўринда «сизларни поклайдиган» дейилмоқда. Мазкур ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг улуғ неъматлари ҳисобланиб, ана шу муҳим ишлар ичида тазкия ҳам бор экан.

Аллоҳ таоло Аълаа сурасида марҳамат қилади:

﴿فَصَلِّ رَّبِّهِ اسْمًا وَذَكَرًا﴾ ﴿١٤﴾ ﴿تَزَكَّىٰ مِنْ أَفْلَحٍ قَدْ﴾ ﴿١٥﴾

«Дарҳақиқат, ким покланса, зафар топадир... ва Робби исмини зикр қилса ва намоз ўқиса» (14-15-оятлар).

Ҳа, охирада ютуққа эришиш учун, катта оловга кириб куймаслик учун, ашаддий азобда қолмаслик учун ҳар бир банда бу дунёда куфрдан, ширкдан, нифоқдан ва турли гуноҳлардан покланиши, ҳар доим Роббини зикр қилиб, намоз ўқиши шарт. Ушбу оятдаги «покланиш» ва «зикр»дан сиз билан биз ўрганаётган ҳақиқат кўзда тутилган.

Аллоҳ таоло Шамс сурасида марҳамат қилади:

﴿دَسَّهَا مِنْ حَابٍ وَقَدْ﴾ ﴿٩﴾ ﴿زَكَّيْنَاهَا مِنْ أَفْلَحٍ قَدْ﴾ ﴿٨﴾ ﴿وَتَقْوَاهَا فُجُورَهَا فَالْمَهْمَا﴾ ﴿٧﴾ ﴿سَوَّيْنَاهَا وَمَا وَنَنَسِ﴾

«Ва нафс билан ва унинг бекаму кўст қилиниши билан қасам. Унга фужурини ва тақвосини илҳом қилди. Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, зафар топди. Ва батаҳқиқ, ким уни булғаса, ноумид бўлди» (7-10-оятлар).

Ушбу оятлардан нафсни поклаш динимиздаги энг муҳим ишлардан бири эканини англаб оламиз.

«Руҳий тарбия» китобидан